

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТ

НАЗАРОВ АБДУКАРИМ КУШАРОВИЧ

КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ
ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doktor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (Doktor of
Philosophy) по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (Doktor of
Philosophy) on economical sciences**

Назаров Абдукарим Кушарович

Кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни
такомиллаштириш3

Назаров Абдукарим Кушарович

Совершенствование объектов бухгалтерского учета и налогообложения
недвижимого имущества.....27

Nazarov Abdukarim Kusharovich

Improvement of objects of accounting and taxation of real estate51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТ**

НАЗАРОВ АБДУКАРИМ КУШАРОВИЧ

**КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ
ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ўқт1434 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Қурбонов Зият Ниязович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Холбеков Расул Олимович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тошматов Шухрат Амонович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: info@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро амалиётда кўчмас мулкни бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида ҳисобга олишда бир нечта МҲХСлар, жумладан, МҲХС (IAS) 16–«Асосий воситалар», МҲХС (IAS) 2–«Товар-моддий захиралар», МҲХС (IAS) 40–Инвестициявий кўчмас мулк» ва бошқа стандартлардан фойдаланилади. «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосан асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳақиқий харажатлар» (МҲХС-16 «Асосий воситалар») ёки қайта баҳоланган қиймат (МҲХС-36 «Активларнинг кадрсизланиши) стандартларидаги нормалар билан аниқланади»¹. «Хорижлик олимлар ҳисоб объектларининг ҳаққоний қийматини аниқлашда муаммолар мавжудлигини тан олишадилар»². Кўчмас мулкнинг бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш молиявий ҳисобни халқаро амалиётга яқинлаштиради.

Жаҳон амалиётида кўчмас мулк солиғи солиққа тортиш базаси сифатида, унинг қийматидан олинади. «Буюк Британияда кўчмас мулкни солиққа тортиш учун иккита солиқ қўлланилади: бизнес мақсадларида фойдаланилувчи кўчмас мулк солиғи ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ»³. «Ирландияда ягона кўчмас мулк солиғи мавжуд бўлиб, у тижорат ва турар жой мақсадларида фойдаланилувчи кўчмас мулкка солиқ солинади. Тижорат мақсадларида фойдаланилувчи кўчмас мулкка солиқ солиш эгалланган майдоннинг номинал қийматини ҳисоблаш асосида амалга оширилади ва солиқ ҳисоблаш мажбурий»⁴. «Россия Федерациясида кўчмас мулкнинг кадастр қийматида солиққа тортиш амалиёти 2 та Федераль конунларга асосан 2020 йил 1 январдан жорий этилди»⁵. Жаҳон амалиётида кўчмас мулкни солиққа тортишда солиқ базаси сифатида кадастр қиймати олиниши бу борада илмий тадқиқотлар олиб боришни зарурат қилиб қўймоқда.

Ўзбекистонда кўчмас мулкни баҳолаш, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва амалиётга МҲХСларини қўллаш, кўчмас мулк объектларини солиққа тортишни такомиллаштириш муҳимлигини белгилайди. Кўчмас мулк объектларини баҳолашда бозор қийматига яқин бўлган кадастр қийматини

¹ МСФО 16 «Основные средства», МСФО 36 «Обесценивание активов». 2018.

² Zak D.M. Spravedlivaya stoimost' - soblazny manipulirovaniya otchetnost'yu. Novye global'nye riski i metody ikh vyavleniya [Tekst]/Dzherard M. Zak; per. s angl. S.A. Filin; pod red. d.e.n., prof. V.M. Rutgayzera. M.: Maroseyka, 2011. – 230 s. King A. Otsenka spravedlivoy stoimosti dlya finansovoy otchetnosti: Novye trebovaniya FASB [Tekst] / A. King; per. s angl. M.: Al'pina Publsherz, 2011. – 383 s. Mard M. Dzh. Spravedlivaya stoimost' v finansovoy otchetnosti [Tekst]/ M. Dzh. Mard, Dzh. R. Khitchner, St. D. Khayden; pod red. V.M. Rutgayzera. M.: Maroseyka, 2009. – 248 s.

³ Obuoforibo, B. United Kingdom – Corporate Taxation / B. Obuoforibo. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – United Kingdom. [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.ibfd.org> (дата обращения: 15.03.2021).

⁴ Ostaszewska, O. Ireland – Corporate Taxation/O. Ostaszewska. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Ireland. [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.ibfd.org> (дата обращения: 16.03.2021).

⁵ Федеральный закон от 29 сентября 2019 г. N 325-ФЗ "О внесении изменений в части первую и вторую Налогового кодекса Российской Федерации", Федеральный закон от 28 ноября 2019 г. N 379-ФЗ "О внесении изменений в статьи 333.33 и 378.2 части второй Налогового кодекса Российской Федерации".

ҳисоблашнинг аниқ методикаси ишлаб чиқилмаганлиги, солиққа тортиладиган кўчмас мулк объектларининг рўйхати тўлиқ шаклланмаганлиги, уларнинг молиявий ҳисобини ташкил этишда МҲХСлар амалиётда тўлиқ қўлланилмаётганлиги долзарб масала ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон «Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 1 июлдаги ПҚ-4771-сон «Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишнинг назарий, услубий ҳамда амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршалл, Д.Смирнов, В.Обуофорибо, Э.Дружиловская, D.Zak, Н.Дугаенко, С.Богачев, О.Лихоманов Н.Куканова, М.Куканова ва Майбууровнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁶.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Т.Маликов, О.Олимжонов,

⁶ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов/А.Смит.[пер. с англ.] – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное/Д. Рикардо. [пер. с англ.] – М. Эксмо, 2007. – 960 с.; Маршалл А. «Принципы экономической науки. Т. III» / А. Маршалл. – М.: Издательская группа «Прогресс», 1993. – 350 с.; Смирнов Д.А. Теория и методология имущественного налогообложения: дис. д-ра экон. наук: 08.00.10/Смирнов Денис Александрович. – М., 2010. – 392 с.; Обуофорибо В. United Kingdom – Corporate Taxation/В. Обуофорибо. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – United Kingdom (Latest Information 31.03.2015) [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.ibfd.org> (дата обращения: 10.12.2019); Дружиловская Э.С. Проблемы применения справедливой стоимости в российском и международном бухгалтерском учёте//Международный бухгалтерский учет, 2014 № 17.; Zak D.M. Spravedlivaya stoisimost - soblazny manipulirovaniya otchetnostyu. Novye global'nye riski i metody ikh vyyavleniya [Tekst]/Dzherard M. Zak.; Н.О.Дугаенко Основные направления повышения эффективности амортизационной политики в трансформационной экономике//Научный вестник Новосибирского государственного университета. 2011. № 27. С. 9-13.; Богачев С.В. Налог на недвижимость: зарубежный опыт./ Имущественные отношения в РФ. № 4 (187) 2017.; О.В.Лихоманов., Куканова Н.Е., Куканова М.С. Российская и зарубежная практика оценки муниципальной недвижимости. Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3. Экономика. Экология. №2 (39). 2017.; Майбууров И.А. Налоги и налогообложение. Ред. 4-е изд. - М., 2011. - 558 с.

Ш.Тошматов, Н.Жумаев, А.Ибрагимов, А.Жўраев, Б.Тошмуродова, Н.Каримов, Н.Кўзиева, С.Худойкулов, К.Ахмеджанов, Н.Хайдаров, М.Алмардонов, И.Ниязметов, Ж.Ўрмонов, Д.Кудбиев, М.Пардаев, А.Пардаев, Б.Хасанов, Р.Холбеков, И.Исманов, Н.Ашурова, З.Курбанов, Н.Абдусаломова, У.Гафуров, Н.Ризаев, К.Хотамов, М.Калонов, К.Уразов, С.Ташназаров⁷ сингари олимларнинг илмий ишларида кўчмас мулк объектларини бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни такомиллаштиришнинг назарий ва илмий-услубий жиҳатлари қисман ўз аксини топган.

Хусусан, И.Исманов илмий ишларида узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисобини тадқиқ этган⁸. С.Боймуродов томонидан маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда ер ва мол-мулк солиқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари илмий жиҳатдан асосланган⁹.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида кўчмас мулк объектларини бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари комплекс ўрганилмаган.

Мазкур илмий ишда, кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш масалалари яхлит ўрганилган ҳамда уларни

⁷ Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2009.-556 б.; Олимжонов О.О. Адолатли солиқ-мамлакат таянчи. Солиқ тўловчи журнали, 2006. № 6.; Тошматов Ш.А. Кўшилган киймат солиғи. Монография. Тошкент.: Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси, 2004.-160 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. Т., 2008.-37 б.; Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т.: Молия. 2008.-465 б.; Жўраев А., Тошматов Ш., Абдурахмонов О. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Т.:NORMA. 2009. – 184 бет.; Тошмуродова Б.Э. Иқтисодиётни ривожлантиришда сукукнинг аҳамияти: Малайзия аҳолисининг даромадига таъсири мисолида. Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2020 йил.; Каримов Н.Г. Инвестиция фондларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий-электрон журнали. 2018 йил №4, июль.; Кузиева Н.Р. Совершенствование законодательных основ создания деятельности и налоговых режимов предприятий экспортёров в свободных экономических зонах Узбекистана. Ахмеджанов К. Реформы аудиторской деятельности в Узбекистане.2020. Ниязметов И.М. «Солиқ юкени оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт» Монография. – Тошкент: Молия, 2016. 192б.; Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси, Сано-стандарт, Т. – 2014, 336 бет.; Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. диссертацияси.– Т., 2018. – 247 б.; Жўраев А.С. ва бошқалар. Солиқ назарияси, ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2019.-376 б.; Хасанов Б.А, Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. – Т.: Янги нашр, 2011.; Pardayev A.X, Pardayeva Z.A. Boshqaruv hisobi. – Т.:”ТАФАККУР” nashriyoti, 2014-396 б.; Исманов И.Н. Активлар тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва уларни ҳисобга олишнинг айрим мунозарали жиҳатлари. Иқтисод ва молия 2016, 2.; Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. – Т.: Фан, 2005. -236 б.; Курбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. Дис.и.ф.д. – Тошкент.: БМА, 2008. 272 б.; Абдусаломова Н.Б. Металлургия саноати корхоналарида ички назорат услубиятини такомиллаштириш.“Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2020 йил, 1-сон.; Хотамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш. Диссертация и.ф.д., – Т.: 2016.136б.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. – Т., 2017. - 96 б.; Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари: Монография – Т.: Иқтисод-Молия, 2018. 240 б.; 2018.; Калонов М.Б. Даромодлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили усубиёти. – Т.:Akademnashr, 2019. –352 б.;

⁸ Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари.Иқти.фан. доктори дисс.автореферати. – Т 2009. 34 б.

⁹ Боймуродов С.Р. Маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда ер ва мол-мулк солиқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари.Автореферат. – Т 2021.26 б.

такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Юқоридагилар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Фискал институтнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида «Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ маъмуриятчилиги ва халқаро солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш» ва «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш шароитида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг муаммолари» мавзуларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўчмас мулк, кўчмас мулк объектлари тушунчаларининг иқтисодий моҳиятини изоҳлашда иқтисодчи олимларнинг илмий ёндашувлари моҳиятини ёритиш;

кўчмас мулк объектлари қийматини шакллантириш ва баҳолаш усулларининг хусусиятларини асослаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатини солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсатига мослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисобини МҲХС асосида такомиллаштириш масалалари бўйича тавсиялар бериш;

асосий воситалар, шу жумладан кўчмас мулк объектлари бўйича амортизация ажратмаларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш;

кўчмас мулкни солиққа тортишнинг хориж мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини мамлакатимиз амалиётида қўллашни илмий жиҳатдан асослаш;

кўчмас мулк объектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси «Ўзтрансгаз» акционерлик жамияти (АЖ) ва унга қарашли хўжалик юритувчи субъектлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида таққослаш, диалектик ёндашув, тизимли таҳлил, рейтинг баҳолаш, шунингдек, иқтисодий усуллар-статистик, қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўлиқ амортизация қилинган ва фойдаланишда қолдирилган асосий воситаларни солиққа тортиш мақсадида амортизация харажатлари бўйича

вақтинчалик фарқларни 6240-«Солиқлар ва йиғимлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» ва 7240-«Солиқлар ва йиғимлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счётларда ҳисобга олиш таклиф этилган;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобининг мол-мулк солиқ тўловчи юридик шахсларнинг мулклари тўғрисида маълумотда «Кўчмас мулк» 020-сатрдан уларнинг турлари бўйича (0201-0208 сатргача) алоҳида акс эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

кўчмас мулк объектларининг жойлашган жойидан қатъий назар давлат реестрига киритиш асосида кадастр йиғма жилдини тайёрлаш ва кадастр қийматидан солиққа тортиш зарурлиги асосланган;

кўчмас мулк объектларини солиққа тортиш мақсадида бозор қийматига яқин бўлган кадастр қийматидан келиб чиққан ҳолда мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўчмас мулк объектларини «ҳаққоний қиймат»да баҳолашда ва «ҳаққоний қиймат» тушунчасини (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар» стандартига киритиш таклиф этилган;

кўчмас мулк объектларини солиққа тортишни соддалаштиришда бухгалтерия балансининг «Узоқ муддатли активлар» бўлимида «Кўчмас мулк қиймати»ни алоҳида сатрда кўрсатишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

«Ўзтрансгаз» АЖ ва унга қарашли корхоналарнинг 2021 йил ҳисоб сиёсатига солиқ солиш мақсадидаги ҳисоб сиёсатининг элементларини алоҳида бўлим сифатида киритиш таклиф қилинган;

вақтинчалик фарқларни ҳисобга олувчи счётлар «Ўзтрансгаз» АЖ ва унга қарашли корхоналарнинг 2021 йил ҳисоб сиёсати билан тасдиқланган ишчи счётлар режасига киритилган;

«Ўзтрансгаз» АЖ ва унга қарашли корхоналарда кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисобини МҲХС (IAS) 16-«Асосий воситалар» стандарт талабларига мослаштириш таклиф қилинган;

мол-мулкни солиққа тортиш мақсадида кўчмас мулкнинг бошланғич қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш тартиблари солиқ солиш мақсадидаги ҳисоб сиёсатига киритилган;

кўчмас мулкнинг солиқ солиш базасини яратиш учун ахборот тизимини яратиш мақсадида кадастр қийматидан келиб чиқиб баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси «Ўзтрансгаз» акционерлик жамиятига (АЖ) қарашли хўжалик юритувчи субъектлар расмий манбаларидан олинганлиги, тадқиқотлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва таҳлилий маълумотларга асосланганлиги, шунингдек,

хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижалар ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий тадқиқот ишларида назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти солиқ тўловчиларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботларини тузишни осонлаштириш билан белгиланади. Ишдаги илмий таклиф ва амалий тавсиялардан илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

тўлиқ амортизация қилинган ва фойдаланишда қолдирилган асосий воситаларни солиққа тортиш мақсадида амортизация харажатлари бўйича вақтинчалик фарқларни 6240—«Солиқлар ва йиғимлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» ва 7240—«Солиқлар ва йиғимлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счётларда ҳисобга олиш таклифи «Ўзтрансгаз» АЖ ва унга қарашли корхоналарнинг 2021 йил ҳисоб сиёсати билан тасдиқланган ишчи счётлар режасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтрансгаз» АЖининг 2021 йил 7 апрелдаги №05-24-210/1226-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши амортизация бўйича вақтинчалик фарқларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш, фойда солиғи бўйича солиққа тортиш базасининг аниқлиги ҳамда бу солиқни ҳисоблашда солиқ ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини бир-бирига мос келиши таъминланган;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобининг мол-мулк солиқ тўловчи юридик шахсларнинг мулклари тўғрисида маълумотда «Кўчмас мулк» 020-сатрдан уларнинг турлари бўйича (0201-0208 сатргача) алоҳида акс эттириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 6 майда 3221-1-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2020 йил 24 февралдаги 3221-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 12 майдаги №06/14-01-01-37/1198-сон маълумотномаси). Қарорга асосан, молиявий ва солиқ ҳисоботидаги маълумотлар бир-бирига мослаштирилган, молиявий ва солиқ ҳисоботлари молиявий ҳисоботнинг халқаро ҳисоботларига яқинлаштирилган;

кўчмас мулк объектларининг жойлашган жойидан қатъи назар давлат реестрига киритиш асосида кадастр йиғма жилдини тайёрлаш ва кадастр

қийматидан солиққа тортиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4819-сон қарорининг 5-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 12 майдаги №06/14-01-01-37/1198-сон маълумотномаси). Мазкур қарорга асосан кўчмас мулк объектлари бўйича мол-мулк солиғи объектларини тўлиқ ҳисобга олиниши таъминланади ва бюджетга тушум кўпайган;

кўчмас мулк объектларини солиққа тортиш мақсадида бозор қийматига яқин бўлган кадастр қийматидан келиб чиққан ҳолда мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги «Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6121-сон Фармонининг еттинчи, саккизинчи ҳамда тўққизинчи бандларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 12 майдаги №06/14-01-01-37/1198-сон маълумотномаси). Мазкур қарорга мувофиқ кўчмас мулк объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида мол-мулк солиғини ҳисоблаш тизими икки босқичда жорий этилиши, солиқ солиш тартиби бирхиллаштирилиш ва ишончли маълумотлар базасини яратиш учун ахборот тизими шакллантириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 4 та, нуфузли хорижий журналларда 4 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 10 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва бу борада илмий тадқиқот олиб бориш зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва амалиётга жорий қилиниши баён қилинган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўчмас мулкни солиққа тортишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари**» номли 1-бобида Ўзбекистон Республикасида фискал ва солиқ сиёсатларининг асосий йўналишлари, кўчмас мулкни солиққа тортишнинг назарий масалалари, рақамли иқтисодиёт шароитида кўчмас

мулкни баҳолаш ва кадастр тизимини рақамлаштириш масалалари илмий жиҳатдан ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган фискал сиёсатнинг аҳамиятини алоҳида эътироф этиш лозим. Фискал сиёсат молиявий сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5614-сон Фармонида фискал сиёсат қуйидагича эътироф этилган: «Фискал сиёсат-давлат фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, давлат даромадлари ва харажатларини муайян ижтимоий ва иқтисодий мақсадлар учун тартибга солишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олувчи молиявий сиёсатнинг ажралмас қисми. Ҳукуматнинг солиқларни белгилаш ва маблағларни сарфлаш ҳуқуқларидан фойдаланишига асосланади»¹⁰.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ва хориж амалиётида кўчмас мулкни солиққа тортиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Кўчмас мулкни солиққа тортиш масаласида классик мактаб намоёндаларидан бошлаб, ҳозирги замон иқтисодчилари ўзларининг фикрларини билдирганлар. Масалан, инглиз иқтисодчиси А.Смит иқтисодий фаннинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган давлат харажатларини қоплаш манбалари орасида ер ижарасини ажратиб кўрсатган¹¹. Кўчмас мулкка солиқ солиш тўғрисидаги фикрларнинг янада ривожланиши натижасида инглиз иқтисодчиси, сиёсий иқтисоднинг классик мактаби асосчиси Д.Рикардо ишлаб чиқарувчи томонидан олинган ернинг ортиқча қисми нафақат табиий хусусиятлари, балки физикавий хоссаларига ҳам боғлиқ деган хулосага келди. Д.Рикардо кўчмас мулкка солиқ солиш таъсирини ер солиғи призмаси орқали таҳлил қилиш бўйича олиб борган тадқиқоти натижасида, ҳар йили яхшиланган ер учун тўланадиган миқдорнинг фақат бир қисми тупроқнинг дастлабки ва бузилмаслиги учун тўловни ўз ичига олганлигини аниқлади¹².

А.Маршалл кўчмас мулкка солиқ жорий этишда маҳаллий тўловларнинг ушбу соҳада яшаш даражасини ошириш қобилиятига эга бўлишининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланган. Фискал сиёсатнинг асосий таркибий қисмлари бу солиқ сиёсати ва бюджет сиёсатларидир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг 2016-2020 йилларда бажарилиши таҳлили келтирилган (1-жадвал).

10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-январдаги «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5614-сонли фармони.

11 Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов / А.Смит. [пер. с англ.] – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.

12 Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное / Д. Рикардо. [пер. с англ.] – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2016-2020 ЙИЛЛАРДАГИ ИЖРОСИ¹³
(млрд. сўм)

Йиллар	2016 й		2017 й		2018 й		2019 й		2020 й	
	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%
Солиқ турлари										
Давлат бюджети даромадлари	30 100,1	100	36 283,2	100	79 099	100	112 165	100	132 938	100
1. Бевосита солиқлар	9 857,2	32,7	11 539,8	31,8	24 986	31,6	31 677	28,3	45 207	34
2. Билвосита солиқлар	12 108,1	40,3	14 772,5	40,7	31 399	39,7	46 429	41,4	46 428	34,9
3. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	5 306,2	17,6	6 867,4	18,9	12 663	16	19 681	17,5	21 257	16
Мол-мулк солиғи	1 659,3	31,3	2 129,7	31	2 606	20,6	2 360	12	1 974	9,3
Ер солиғи	966,7	18,2	1 091,8	15,9	1 504	11,9	2 313	11,8	2 387	11,2
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	2 517,7	47,4	3 474,1	50,6	8 425	66,5	14 693	74,6	16 417	77,2
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	162,5	3,1	171,8	2,5	128	1	314	1,6	479	2,3
4. Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар	2 828,6	9,4	3 103,5	8,6	10 050	12,7	14 379	12,8	20 046	15,1

¹³ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Республика давлат бюджетининг 2016-2020 йиллардаги ижроси таҳлил қилинганда 2016 йилда давлат бюджети даромадлари 30100,1 млрд. сўм солиқ ва йиғимлар тушган бўлса, бу кўрсаткич 2017-2020 йилларда мос равишда 36283,2 млрд. сўм, 79 099,0 млрд. сўм, 112 165,0 млрд. сўм, 132 938,0 млрд. сўмни ташкил қилган. Умумий тушумда бевосита солиқларнинг улуши 2016 йилда 32,7 фоиз, 2020 йилда эса 34,0 фоизни ташкил қилган. Билвосита солиқларнинг улуши мос равишда 40,2 фоиз ва 34,9 фоиз бўлган.

Ресурс ва мол-мулк солиқлари таркибида мол-мулк солиғининг улуши 2016 йилда 31,3 фоизни ташкил қилган бўлса 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 9,3 фоизни ташкил қилган. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, йилдан-йилга билвосита солиқларнинг улуши камайиш ва ресурс солиқларининг улуши эса ошиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда.

1-расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2019 йилда солиқ тушумларида қўшилган қиймат солиғининг улуши 29 фоиз, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ 18 фоиз, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 15 фоиз, акциз солиғи 11 фоиз, фойда солиғи 9 фоиз, мол-мулк солиғининг улуши эса 3 фоизни ташкил қилган.

2020 йилда солиқ тушумларида солиқ турлари улушида ўзгаришлар бўлган. Бу йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг улуши 28 фоизни ташкил этган, кейинги ўринларда қўшилган қиймат солиғининг улуши 20 фоиз, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ 16 фоиз, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 15 фоиз, акциз солиғи 10 фоиз, мол-мулк солиғининг улуши эса 3 фоиз бўлган.

Рақамли иқтисодиёт шароитида кўчмас мулкни солиққа тортишда уни тўғри баҳолаш муҳим ҳисобланади. Халқаро амалиётда кўчмас мулкни баҳолашда 8-сон «Молиявий ҳисобот учун харажат ёндошуви» номли халқаро йўриқномадан кенг фойдаланилади¹⁴. Мазкур халқаро йўриқноманинг асосий мақсади баҳолаш ва молиявий ҳисоботларни тузишда ёрдам бериш ҳисобланади. Амортизация ўрнини босувчи харажатлар (Depreciated replacement cost) тўғридан-тўғри бозор қиймати шаклланмаган ихтисослаштирилган активларни баҳолашда молиявий ҳисобот тузишда фойдаланувчи харажатлар ёндашувини қўллаш. Харажат ёндашувининг тадбиқи сифатида у алмаштириш принципига асосланади. МҲХСнинг 16-сон «Асосий воситалар» стандартда ҳам ушбу усулдан фойдаланиш белгилаб берилган¹⁵. Рақамли иқтисодиёт шароитида кўчмас мулк қийматини тўғри баҳолаш кўчмас мулк объектларининг бошланғич қийматини аниқ шакллантиришга олиб келади, натижада бу объектларни солиққа тортиш тўғри амалга оширилади.

Диссертация ишининг «**Кўчмас мулкнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш**» деб номланган 2-бобида кўчмас мулкнинг бошланғич қийматини шакллантириш, унинг бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш, кўчмас мулк

¹⁴ Международное руководство 8. Затратный подход для финансовой отчетности. Пересмотрено в 2005 г.

¹⁵ Международный стандарт финансовой отчетности (МСФО) 16 “Основные средства”. 2018.




1-расм. Ўзбекистон Республикасининг 2019-2020 йилларда давлат бюджети даромад қисмининг шаклланишида солиқ турларининг улуши¹⁶.

¹⁶Расм Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

объектлари амортизацияси ҳисобини такомиллаштириш масалалари илмий жиҳатдан ёритилган.

Мамлакатимизда кўчмас мулкни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда унинг бошланғич қийматини шакллантириш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 5–сонли «Асосий воситалар» БҲМСда бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олиниши белгилаб қўйилган: «Асосий воситалар корхона балансига бошланғич қиймати бўйича киритилиши лозим ва у харид қилиш қиймати (етказиб берувчига тўланган сумма) ҳамда асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олади»¹⁷.

Муаллиф томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида кўчмас мулкни акс эттириш модели ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида кўчмас мулкни акс эттириш модели¹⁸

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобида тан олиш мезонлари ва бошланғич қиймат таркибини 5–БҲМС билан 16–МҲХСдаги асосий нормаларнинг таққосламаси 2–жадвалда келтирилган.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 5-сонли “Асосий воситалар” БҲМС. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1299.

¹⁸ Расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобида тан олиш мезонлари ва бошланғич қиймат таркибининг
5-БҲМС билан 16-МҲХС даги асосий нормаларни таққослама жадвали¹⁹**

Кўрсаткичлар номи	16 - МҲХС «Асосий воситалар»	5-сонли БҲМС «Асосий воситалар»
Асосий воситалар тушунчаси ва тан олишнинг мезонлари	<p>Компания томонидан товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш, бошқа компанияларга ижарага бериш ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланувчи ва бир муддатдан кўпроқ фойдаланилиши кутилаётган моддий бойликлар (16-IAS) 16-бандининг 6-банди). Активларни тан олиш мезонлари: Асосий воситалар объектининг таннархи фақатгина куйидаги шартлар бажарилганда актив сифатида тан олинади:</p> <p>а) тадбиркорлик субъекти томонидан асосий восита билан боғлиқ келгуси иқтисодий наф олинishi эҳтимоли мавжуд бўлса;</p> <p>б) активнинг таннархи ишончли баҳолана олса.</p>	<p>Асосий воситалар — корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда махсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар; (5-сон БҲМС 3-банди)</p> <p>Асосий воситалар таркибига куйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берувчи моддий активлар киритилади:</p> <p>а) бир йилдан ортик хизмат муддати;</p> <p>б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортик бўлган буюмлар.</p>
Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати таркиби	<p>Асосий воситанинг таннархи куйидагилардан ташкил топади:</p> <p>а) савдо чегирмалари ва имтиёзларини чегирган ҳолда, унинг харид нархи, жумладан импорт божлари ва сотиб олиш билан боғлиқ қопланмайдиган солиқлар;</p> <p>б) активни ундан тадбиркорлик субъектининг раҳбарияти томонидан кўзланган ҳолда фойдаланиш учун зарур жой ва ҳолатига олиб келиш билан боғлиқ бевосита харажатлар;</p> <p>в) асосий восита объектини демонтаж қилиш ва олиб ташлаш ҳамда у жойлашган жойдаги табиий ресурсларни қайта тиклаш харажатларининг бошланғич баҳосини. Тадбиркорлик субъекти асосий восита сотиб олинган пайтда ёки ундан маълум давр мобайнида товар-моддий қимматликларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш оқибатида ушбу харажатлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади.</p>	<p>Асосий воситалар бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олинади.</p> <p>Асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларга куйидагилар киреди:</p> <p>рўйхатга олиш йиғимлари, давлат божлари ва асосий воситаларга бўлган ҳуқуқни харид қилиш (олиш) бўйича амалга оширилган бошқа шунга ўхшаш тўловлар;</p> <p>божхона божлари ва йиғимлари;</p> <p>асосий воситалар объектларини харид қилиш (барпо этиш) муносабати билан солиқ ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);</p> <p>асосий воситалар объектларини харид қилиш (барпо этиш) билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланадиган суммалар;</p> <p>асосий воситалар объектларини етказиб бериш (барпо қилиш) хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;</p> <p>асосий воситалар объекти воситачилар орқали олинганда уларга тўланадиган мукофотлар;</p> <p>асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга тушириш харажатлари;</p> <p>активдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.</p>

¹⁹ Жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кўчмас мулкнинг ҳисобини ташкил этиш хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган бўлиши керак. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати 1–сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот», 8–сон БҲХС «Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар» ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси талаблари асосида шакллантирилиши зарур. Бу эса кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва солиққа тортишнинг тўлиқлигини таъминлайди.

Халқаро амалиётда кўчмас мулкни бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида ҳисобга олишда бир нечта МҲХСлардан фойдаланилади. Бу борада С.Н.Ташназаров қуйидагиларни эътироф этган: 16–сон БҲХСни қўллаш жараёнида 1–сон БҲХС, 23–сон БҲХС, 36–сон БҲХС, 37–сон БҲХС, 40–сон БҲХС, 41–сон БҲХС, 3–сон МҲХС, 5–сон МҲХС, 6–сон МҲХС каби стандартларининг талаблари ҳам ҳисобга олинади (3-жадвал).

3-жадвал

Кўчмас мулкни бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида ҳисобга олишда фойдаланилувчи МҲХС (IAS)²⁰

МҲХС	
IAS-2 Inventories	2-сон БҲХС Захиралар
IFRS-5 Noncurrent Assets Held for Sale and Discontinued Operations	5-сон МҲХС «Сотиш учун мўлжалланган узок муддатли активлар»
IAS-7 Statement of Cash Flows	7-сон БҲХС «Пул маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»
IAS-8 Accounting Policies. Changes in Accounting Estimates and Errors	8-сон БҲХС «Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар»
IAS-11 Construction Contracts	11-сон БҲХС - «Қурилиш шартномалари»
IAS-12 Income Taxes	12-сон БҲХС Фойда солиғи
IFRS-13 Fair Value Measurement	13-сон МҲХС «Ҳаққоний қийматни баҳолаш»,
IAS-16 Property, Plant and Equipment	16-сон БҲХС Мулк (ер), бино, машина ва асбоб-ускуналар
IAS-17 Leases	17-сон БҲХС Ижара
IAS-19 Employee Benefits	19-сон БҲХС Ходимларни рағбарлантириш
IAS-28 Investments in Associates and Joint Ventures	28-сон БҲХС «Қарам тадбиркорлик субъектларидаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар»
IAS-36 Impairment of Assets	36-сон БҲХС Активларнинг кадрсизланиши
IAS-38 Intangible Assets	(IAS) 38-сон БҲХС «Номоддий активлар»
IAS-39 Financial Instruments: Recognition and Measurement	(IAS) 39-сон БҲХС «Молиявий инструментлар»
IAS-40 Investment Property	40-сон БҲХС Инвестициявий кўчмас мулк

Алоҳида қайд этиш керакки, МҲХС асосида тузиладиган «Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот»нинг «Узоқ муддатли активлар» бўлимида «Мулк: ер, бино, машина ва асбоб ускуналар» алоҳида сатрларда акс эттирилади. Бунга асосан компаниянинг кўчмас мулки миқдорини аниқлаш

²⁰ Жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

имконини беради (4-жадвал).

4-жадвал

«Ўзтрансгаз» АЖ 2019 йил «Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот»да мулк (ер), бино, машина ва асбоб ускуналарни балансда акс эттириш²¹

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2019 й 31 декабрь	2018 й 31 декабрь
1	2	3	4
Актив			
I. Узоқ муддатли активлар			
Узоқ муддатли моддий активлар, жами	010	12 492 266 539	11 916 821 521
Мулк (ер), бино, машина ва асбоб – ускуналар бошланғич қиймати жами, шу жумладан кўчмас мулк:	020	7 998 232 551	7 864 189 945
Ер ва ерни ободонлаштириш	021	3 484 372	3 484 372
Бино, иншоотлар, машиналар, ускуналар	022	6 585 106 135	6 242 783 407

Шундан келиб чиққан ҳолда «Бухгалтерия баланс» 1-шаклда ҳам асосий воситалар турларини МҲХС асосида тузиладиган «Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот»даги каби алоҳида сатрларда кўрсатилиши таклиф қилинади. Бу эса бухгалтерларга кўчмас мулк бўйича мол–мулк солиғини тўғри ҳисоблаш ва солиқ органларига эса мол–мулк солиғини назорат қилишни осонлаштиради.

Жаҳон амалиётида, шу жумладан мамлакатимиз амалиётида амортизация ажратмаларининг бухгалтерия ҳисоби, уни такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг 16-сонли халқаро стандарти «Асосий воситалар»да амортизация қуйидагича ифодаланган: Асосий воситалар амортизацияси активнинг амортизацияланувчи қийматини унинг фойдали хизмат муддати давомида мунтазам равишда харажатларга олиб боришдир²².

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, муаллиф кўчмас мулкнинг амортизациясига қуйидагича таъриф беради: «Кўчмас мулкнинг амортизацияси кўчмас мулк объекти қийматини фойдали хизмат муддати даврида ишлаб чиқариладиган маҳсулот (бажарилган хизматлар) қийматига ўтказиб боришдир».

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда кўчмас мулкнинг амортизацияси тўртта бухгалтерия ҳисоби, молиявий, солиққа тортиш ва иқтисодий тушунчани бирлаштирган ҳолда ўрганилди. Муаллиф асосан кўчмас мулкнинг амортизациясини бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш нуктаи назардан ўрганган. Бевосита кўчмас мулкнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётларга қуйидагиларни мисол қилиб олиш мумкин: 0211-счёт «Ерни ободонлаштиришнинг эскириши», 0212-счёт «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши», 0220-счёт «Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг

²¹ «Ўзтрансгаз» АЖ «Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи» қискартирилган ҳолатда берилди.

²² Бухгалтерия ҳисобининг 16-сонли халқаро стандарти «Асосий воситалар». Сайт Министерства финансов Российской Федерации (minfin.ru). 02.09.2020.

эскириши», 0280-счёт «Бошқа асосий воситаларнинг эскириши» ва 0299-счёт «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши». Кўчмас мулк ва амортизация ажратмаларини ҳисобга олувчи счётлар солиқ тўловчининг солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсатида белгиланган бўлиши керак. Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби бўйича ҳисобланган амортизация суммалари ўртасида фарқ келиб чиқади. Фойда солиғини ҳисоблашда солиқ ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ўзаро мос келиши жуда муҳимдир.

Муаллиф томонидан вақтинчалик фарқлар ҳисобига кечиктирилган солиқларнинг ҳисобга олишнинг 2 та вариантини таклиф қилинди.

1-солиқ ҳисоби бўйича амортизация, шу жумладан инвестициявий чегирма бухгалтерия ҳисоби амортизациясидан ошган ҳолда 6240-«Солиқлар ва йиғимлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» ва 7240-«Солиқлар ва йиғимлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счётларини қўллаш.

2-солиқ ҳисоби бўйича амортизация суммаси, шу жумладан инвестицион чегирма бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган амортизация суммасидан кам бўлган ҳолатда 0950-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи (узоқ муддатли қисми)» ва 3210-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи (жорий қисми)» счётларидан фойдаланиш.

5-жадвал

Кўчмас мулкнинг амортизацияси бўйича вақтинчалик фарқларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш тартиби²³

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
Солиқ амортизацияси, шу жумладан инвестицион чегирма бухгалтерия амортизациясидан ошган қисмига			
1.	Солиқ амортизацияси, шу жумладан инвестицион чегирма бухгалтерия амортизациясидан ошса	6410	7240
2.	Вақтинчалик фарқларнинг узоқ муддатли қисми жорий қисмга ўтказилади	7240	6240
3.	Вақти келганда	6240	6410
4.	Вақтинчалик фарқлар бўйича солиқни ҳисоблаш (узоқ муддатли қисми)	0950	6410
Солиқ амортизацияси суммаси, шу жумладан инвестицион чегирма бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган амортизация суммасидан кам бўлганда			
5.	Вақтинчалик фарқлар бўйича солиқни ҳисоблаш (узоқ муддатли қисми)	0950	6410
6.	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғининг узоқ муддатли қисми жорий қисмга ўтказилади	3210	0950
7.	Ўтган ҳисобот даврида кечиктирилган тегишли солиқ суммасига жорий ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган солиқлар камайтирилди	6410	3210

Таклиф этилган вариантлар асосида кўчмас мулк бўйича вақтинчалик

²³ Жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

фарқларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш тартиби қуйидагича бўлади (5-жадвал).

Муаллиф таклиф этган тартибда амортизация бўйича вақтинчалик фарқларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш, фойда солиғи бўйича солиққа тортиш базасининг аниқлиги ҳамда бу солиқни ҳисоблашда солиқ ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ўзаро мос келишини таъминлайди. Шунингдек кўчмас мулк бўйича амортизация ажратмалари ҳисоби методикасини такомиллаштиришга хизмат қилади.

